

TOSHKENT NAQIQATI

2026-yil
18-fevral
CHORSHANBA
№ 14 (13875)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ – БОШҚИРДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:

САМИМИЙ ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРУФ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Айни кунларда Тошкент вилояти ҳоқими Зойир Мирзаев бошчилигидаги делегация хизмат сафари билан Россия Федерациясининг Бошқирдистон Республикасида бўлиб турибди.

Ташриф дастури икки ҳудуд ўртасидаги савдо-иқтисодий, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, илм-фан ва инвестиция алоқаларини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган бўлиб, унда аниқ лойиҳалар ва амалий ҳамкорлик масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Бугунги кунда минтақалар ўртасида ўзаро манфаатли шерикликини чуқурлаштириш, мавжуд салоҳиятни реал иқтисодий натижаларга айлантириш муҳим вазифа бўлиб тургани ушбу ташриф мазмунида яққол намоён бўлмоқда.

2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон қадрини, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, эҳтиёжманд тоифаларни ижтимоий ғимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотларимиз туфайли муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ўзаро аҳиллик, саховат ва шукроналик ғояларини ўзида мужассам этган муборак Рамазон ойи халқимиз қалбига янада яқин ва мўътабар айланмоқда.

Ижтимоий-маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётган Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, диний-маърифий, маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2026 йилда муборак Рамазон ойининг бошланиши 19 февраль кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмитаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ғимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мамлакатимизда Рамазон ойини миллий анъана ва қадриятларга мос тарзда ўтказишга доир чора-тадбирларни амалга оширсин.

"Рамазон – меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик ойи" деган эзгу ғоя асосида:

(а) кам таъминланган, эҳтиёжманд, ижтимоий ғимояга муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

(б) маҳаллаларни ўзаро ҳурмат, ҳамжихатлик, адолат ва тарбия масканига айлантириш;

(в) ер, сув, ҳаво ва табиий муҳитни асраш, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ ва қабрларни обод этиш;

(г) Рамазон ойи билан боғлиқ тадбирларни исрофгарчиликка йўл қўймасдан, ихчам, мазмуни ва тежамкорлик асосида ўтказишга алоҳида эътибор берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ



3

Президент ташрифидан сўнг...

Экспорт соҳасида — муҳим қадам



Замонавий алоқа воситаларидан тортиб, жамоат транспортидаги рақамли тўлов тизимларига — барчаси электротехника соҳасидаги юқори технологик ечимлар самарасидир. Ушбу қурилмаларнинг бошқарув маркази бўлган микропроцессорлар жараёнларни автоматлаштириш орқали кундалик ҳаётимизда қулайлик ва хавфсизликни таъминламоқда.

Бундай маҳсулотлар айнан мамлакатимизда ҳам ишлаб чиқарилаётгани эса стратегик аҳамият касб этади. Шу маънода импорт ҳажмини қисқартириш, ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш устувор вазифалардан бирига айланди.

Президент Шавкат Мирзиёев 13 февраль кун Оҳангарон туманига ташрифи доирасида "Vades Group" компанияси томонидан амалга оширилаётган микропроцессор

модуллари ишлаб чиқариш лойиҳаси билан ҳам танишди.

Мазкур корхонада идентификация учун мўлжалланган микропроцессор модуллари, сим-карталар, шунингдек, транспорт, ижтимоий ва халқаро тўлов карталарини ишлаб чиқариш йўлга қўйлади. Лойиҳа Германиянинг энг йирик ярим ўтказкичлар ишлаб чиқарувчиси "Infineon technologies" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

2

Viloyat bo'ylab

NURAFSHON shahrida tadbirkorlar bilan ochiq muloqotdan so'ng bo'sh ish o'rinlari yarmarkasi tashkil etildi. Mehnat yarmarkasida 12 ta korxon va tashkilot tomonidan jami 343 ta bo'sh ish o'rni taklif qilindi. Shu kuni bir guruh fuqarolarga ishga joylashish uchun yo'llanmalar berildi.

CHIRCHIQ shahridagi "Kimyo-industrial texnopark"da tadbirkorlar hamda tadbirkorlik faoliyatini boshlash istagida bo'lgan fuqarolar bilan ochiq muloqot bo'lib o'tdi. Unda Prezidentimiz tomonidan tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash va rivojlantirish yo'nalishlarida belgilab berilgan ustuvor vazifalarning mazmun-mohiyati yuzasidan fikr almashildi. Shuningdek, mavjud muammolarni bartaraf etish, byurokratik to'siqlarni kamaytirish va davlat organlari bilan hamkorlikni mustahkamlash bo'yicha amaliy choralar belgilandi.

PARKENT tumanida "Jaholatga qarshi ma'rifat bilan" shiori ostida keng ko'lami targ'ibot-tashviqot tadbirlari o'tkazildi. Uchrashuvlarda ma'rifatning kuchi, ilm-fanning ahamiyati, milliy va umuminsoniy qadriyatlarimizni asrab-avaylash masalalariga alohida e'tibor qaratiildi. Aholining ayrim toifalari bilan yakka tartibda suhbatlar o'tkazilib, muammo va takliflari o'rganildi.

TOSHKENT viloyatining shahar va tumanlarida Ramazon oyi munosabati bilan arzonlashtirilgan oziq-ovqat mahsulotlari yarmarkalari faoliyati yo'lga qo'yildi. Oy davomida aholini sifatli va hamyonbop mahsulotlar bilan ta'minlab, ehtiyojmand oilalarga amaliy yordam ko'rsatish maqsad qilingan.

BEKOBOD tumanidagi "Oila va xotin-qizlar maskani"da ajrim yoqasiga kelib qolgan olitita oila vakillari ishtirokida Oilaviy qadriyatlarini mustahkamlash komissiyasining navbatdagi uchrashuvi bo'lib o'tdi. Komissiya a'zolari har bir oila a'zolari bilan alohida suhbat o'tkazib, muammolarning ildizi va ularni bartaraf etish yo'llarini muhokama qilishdi. Natijada 2 ta oila yarashtirildi, 4 ta oilaga esa o'zaro kelishuvga erishishlari uchun muayyan muddat berildi.

Жараён



ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ Қўллаб-қувватланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳқамова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Тошкент вилоятининг бир қанча ҳудудларида бўлиб, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг тadbirkorlik фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ғимоясини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

2

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ – БОШҚИРДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:

САМИМИЙ ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН
ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРУҒ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Делегация аъзолари дастлаб Бошқирдистоннинг илм-фан ва соғлиқни сақлаш соҳаларида етакчи муассасаларидан бири – “Асаларичилик ва апитерапия бўйича Бошқирд илмий-тадқиқот маркази” фаолияти билан танишишди. Мазкур марказда фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлиги асосида шаклланди. Бошқирд илмий-тадқиқот маркази бўлиб, бу ерда зотдор асалари етиштириш заводи, илмий-тадқиқот станциялари, асалари қўриқхоналари, сунъий уруғлантириш лабораториялари, асаларичилик маҳсулотларини қайта ишлаш цехи ҳамда Республика халқ таъбири ва апитерапия маркази фаолият юритмоқда.

Учрашув давомида делегация аъзоларига Бошқирд асалари популяцияси генофондини сақлаш ва тиклаш, ихтисослашган селекция линияларини яратиш, асал ҳамда бошқа асаларичилик маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини чуқур ўрганиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар тақдим этилди. Айниқса, апитерапиянинг меъда-ичак касалликлари, инсультдан кейинги реабилитация, катта бугимлар хасталиқлари ҳамда Covid-19 дан кейинги тикланиш жараёнларида қўллашга мумкин бўлган илмий ёндашувларнинг амалий самардорлигини кўрсатмоқда. Маълумотларга кўра, марказ фаолияти давомида 12 йил ичида қариб 100 минг нафар бемор соғломлаштирилган. Бу рақамлар мазкур йўналишнинг нафақати илмий, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эга эканини кўрсатади.

Вилоят ҳокими Зойир Мирзаев бу ерда фан ютуқларининг ишлаб чиқариш ва табиий амалиёт билан уйғунлашгани юқори даражада йўлга қўйилганини таъкидлаб, Тошкент вилоятида ҳам шундай тажрибаларни жорий этиш, асаларичиликни ривожлантириш ва қайта ишлаш йўналишларида янги лойиҳаларни йўлга қўйиш имкониятлари мавжудлигини қайд этди. Томонлар келгусида илмий-амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва мутахассислар ўртасида тажриба алмашишни тизимли йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Шунингдек, ташир давомида саноат кооперацияси йўналишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Стерлитамак шаҳрида жойлашган “Толпар” технопарки фаолияти билан танишуви икки мамлакат ҳудудлари ўртасида саноат алоқаларини ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатди. Технопаркда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, импорт ўринини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш, қўшма корхоналар ташкил этиш ҳамда резидентларга “ягона ойна” тамойи-

ли асосида хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилгани қайд этилди.

Бу ерда металл конструкциялар, қурилиш материаллари, қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишилди. Амалдаги ишлаб чиқариш жараёнлари, кооперация занжирлари ва маҳсулот турларини кенгайтириш режалари муҳокама қилинди. Тошкент вилояти тадбиркорларини технопарк имкониятларидан фойдаланган ҳолда қўшма лойиҳаларга жалб этиш, янги инвестициявий ташаббусларни амалга ошириш масалалари юзасидан аниқ таклифлар билдирилди.

Шунингдек, “ЭлКом” МЧЖ ҳамда “Пок-Трубная компания” корхоналарида бўлиб, электротехника ва полимер қувурлар ишлаб чиқаришдаги замонавий технологиялар ўрганилди. Бу корхоналар

иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш имкониятларини кўрсатмоқда. Лойиҳа учун ажратилган ҳудудни ободонлаштириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш ва мажмуани қисқа муддатда ишга тушириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Сафарнинг сиёсий ва рамзий жиҳатдан муҳим воқеаларидан бири – Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаевнинг Бошқирдистон Республикасининг “Халқлар дўстлиги” ордени билан мукофотлангани бўлди. Бу эътирофга икки ҳудуд ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган тизимли ишлар ва амалий натижаларга берилган юксак баҳо



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ЭКСПОРТ
СОҲАСИДА
МУҲИМ
ҚАДАМ

Мутахассисларнинг фикрича, бундай лойиҳалар давлат сиёсати ва хусусий сектор ҳамкорлигининг амалий натижасидир. Яъни, қабул қилинган стратегик қарорлар реал ишлаб чиқариш қувватлари, янги бозорлар ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар кўринишида ўз ифодасини топмоқда. Бу эса электротехника саноатини иқтисодиётнинг драйвер тармоқларидан бирига айлантириш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

Маълумот ўрнида айтиш мумкин, 2025 йил давомида мамлакатимизга 35 миллион долларлик микропроцессор модуллари, сим-карталар ва турли тўлов карталари импорт қилинган.

Мазкур корхона тўлиқ ишга тушиши ҳисобига 5 миллион долларлик импорт ўринини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бозордаги таннаҳр уч-беш фоизга пасайиши кутилган.

Лойиҳа нафақат юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, балки аҳолининг бандлигини оширишга ҳам хизмат қилади. Шу билан бирга, замонавий корхоналар маҳаллий кадрлар салоҳиятини ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш имконини беради. Лойиҳа доирасида 4 гектар майдонни эгаллаган замонавий мажмуада 100 га яқин янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

– Илгари бундай маҳсулотлар мамлакатимизга асосан импорт қилинган бўлса, эндиликда уларни ўзимизда ишлаб чиқариш имконияти яратилди, – деди “Vades Group” корхонасининг тижорат бўлими бошлиғи Музаффар Ҳошимов. – Бу валюта маблағларини тежаш, ички бозорни сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлаш, шунингдек, экспорт ҳажминини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, замонавий технологиялар асосида йўлга қўйилаётган ишлаб чиқариш жараёнлари маҳаллий мутахассислар малакасини ошириш, халқаро стандартларга мос маҳсулот тайёрлаш ва минтақавий бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари корхонага ташир буюрганида бу ердаги ишлаб чиқариш жараёнлари, истиқболдаги режалар ҳақида маълумотлар тақдим этди. Ўз ўрнида фаолиятимизни янада жонлантириш бўйича зарур кўрсатмалар олди.

Марҳабо ҲОШИМОВ,
ЎЗА



мисолида саноат кооперацияси нафақат тайёр маҳсулотлар савдоси, балки технология, муҳандислик ечимлари ва тажриба алмашишуви шаклида ҳам ривожланиши мумкинлиги алоҳида таъкидланди. Учрашувларда янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, маҳсулотлар экспорт географиясини кенгайтириш ва мутахассислар малакасини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ташир доирасида хизматлар соҳаси ва туризм йўналишида ҳам истиқболли лойиҳалар муҳокама этилди. Хусусан, Уфа шаҳрида қурилиш режалаштирилаётган меҳмонхона мажмуаси лойиҳаси ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорликни диверсификация қилиш,

сифатида қаралмоқда. Мукофотни тантанали тарзда Бошқирдистон Республикаси раҳбари Радий Хабилов топширди. Зойир Мирзаев юксак эътибор учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон ва Россия, хусусан, Тошкент вилояти ва Бошқирдистон ўртасидаги савдо-иқтисодий, саноат ҳамда маданий-гуманитар йўналишлардаги ҳамкорлик бундан йўлга қўйиш илҳомини берди.

Шунингдек, Уфа шаҳрида Зойир Мирзаев ва Бошқирдистон раҳбари Россия Қарамони, генерал-майор Минигали Шаймуратов ҳайкали пойига гул қўйиш маросимида иштирок этдилар. Ушбу тадбир қардош халқлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат ва тарихий хотирага садоқат рамзи сифатида алоҳида аҳамият касб этди.

Навбатдаги кунги мулоқот Уфа шаҳридаги “Республика уйи”да бўлиб ўтди. Маросимда ҳар икки томондан расмийлар, тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарлари, савдо-иқтисодий ва инвестициявий доира вакиллари, шунингдек, йирик компаниялар ва саноат корхоналари, савдо ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этишди.

▼ Камбағалликдан фаровонлик сари

Мамлакатимизда энергетика хавфсизлигини таъминлаш, соҳада қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, айниқса, барқарор ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда электр таъминоти тизимини модернизация қилиш, инфратузилмани янгилаш ва рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар бу соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқмоқда.

Бу борада Тошкент вилоятида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ҳудудда жами 791 минг 704 нафар истеъмолчи мавжуд бўлиб, уларга 24,4 минг километрдан ортиқ электр узатиш тармоқлари ва 7 минг 567 та трансформатор пунктлари орқали хизмат кўрсатилади. Бу рақамлар электр таъминоти инфратузилмасининг кенг қамровли ва масъулиятли тизим эканини кўрсатади. Мазкур тармоқларнинг барқарор ишлайиши минглаб хонадонлар, ижтимоий соҳа объектлари ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Прокуратура назорати остида олиб борилаётган ўрганишлар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, манзилли ва тизимли ишларни янада кучайтириш юзасидан тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Йўналишида тегишли масъулларнинг маърузалари тингланиб, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари муҳокама қилинди. Масъулларга мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, хотин-қизлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, манзилли ва тизимли ишларни янада кучайтириш юзасидан тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Республика Ишчи гуруҳига Тошкент вилояти ҳокимининг оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Н.Нормирзаева ҳамроҳлик қилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Дастлаб, Янгийул туманидаги “Гулистон” маҳалласида истиқомат қилувчи тадбиркор Бўстон Алимовнинг фаолияти ўрганилиб, унинг иссиқхона ҳўжалиги, мавжуд имкониятлари таҳлил қилинди.

Ўрганишлар чоғида иссиқхона фаолиятини кенгайтириш, хонадонларда касаначиликни йўлга қўйиш орқали хотин-қизлар бандлигини ошириш юзасидан таклифлар билдирилди. Шунингдек, маҳалладаги 30 та хонадонда кўкат етиштиришни ташкил этиш бўйича ташаббус илгари сурилди.

Бундан ташқари, аҳоли, айниқса, хотин-қизларнинг даромад манбаларини кўпайтириш, маҳалла миқёсида тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда оилавий фаровонликни мустаҳкамлаш бўйича тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Самарали учрашувлар доирасида Зангиота туманидаги Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази ҳамда “Олмазор” маҳалласидаги “еттилик” фаолияти ўрганилди. Жараёнда хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Шунингдек, Қўйи Чирчиқ туманининг “Тинчлик” маҳалласида жойлашган 80 ўринли “Lyuda baraka tekstil” корхонаси фаолияти билан танишилиб, ишлаб чиқариш жараёни ва яратилган иш ўринлари ўрга-

нилди. Корхонада хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, улар учун барқарор даромад манбаи яратишга қаратилган амалий ишлар ижобий баҳоланди.

Яқунда Бош вазир ўринбосари бошчилигида хотин-қизлар бандлиги, тадбиркорликни ривожлантириш, жамоавий бизнесни кенгайтириш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш масалаларига бағишланган йилги иш бўлиб ўтди. Унда мутасадди идоралар, оиладан, оила ва хотин-қизлар, камбағалликни қисқартириш ва бандлик, миграция ва ички ишлар органлари, тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси ҳамда Ҳунарманд уюшмаси ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари иштирок этишди.

Йўналишида тегишли масъулларнинг маърузалари тингланиб, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари муҳокама қилинди. Масъулларга мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, хотин-қизлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, манзилли ва тизимли ишларни янада кучайтириш юзасидан тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Республика Ишчи гуруҳига Тошкент вилояти ҳокимининг оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Н.Нормирзаева ҳамроҳлик қилди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

тор ўрнатилди. Янги массивлар таъминоти учун 21 километр тармоқ, 1 та подстанция ва 12 та трансформатор пункти қуриб битказилди. Бу эса аҳолининг янги тураржой массивларида ҳам электр билан барқарор таъминланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, электр тармоқлари объектларида юзага келиши мумкин бўлган авариявий ҳолатларнинг олдини олиш ва тизимда тезкорликни таъминлаш мақсадида моддий-техник база ҳам мустаҳкамланмоқда. “Худуд-

хусусида атрофлича фикр юритилди, соҳани модернизация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш ва рақамлаштириш жараёнларида таъминлаш фаол иштирокини эъланлаш муҳимлиги таъкидланди.

– Мулоқотда ёшлар ҳам қатор янги ғоя ва ташаббусларини билдиришди, – деди “Худудий электр тармоқлари” АЖ Тошкент филиали бош муҳандиси Пулат Муҳаммадқонов. – Қўтарилган муаммоларга жойида ечим топиш чоралари қўрилиб, барча таклифлар

ХОНАДОНЛАРНИНГ ЧИРОҒИ
ДОИМО ЁНИБ ТУРСИН

тал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 6 минг 930 километр тармоқда жорий таъмирлаш, 2 минг 126 та трансформаторда профилактик ишлари бажарилди. Бунинг натижасида тармоқлардаги техник носозликлар камайиб, электр таъминоти барқарорлиги янада ошди.

Президентимизнинг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш жараёни ҳам доимий назоратда. Мазкур ҳужжат асосида ҳудудларда 853,1 километр ҳаво линияси реконструкция қилиниб, 94 та янги трансформа-

тор тармоқлари” АЖ томонидан вилоятимизнинг 22 та шаҳар ва туман электр бўлимлари учун 30 дан зиёд хизмат автомашиналари ажратилди.

Шунингдек, тизимда ёш кадрларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Яқинда Бўстонлик туманида “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси тизимда фаолият юритаётган ёшлар билан оқибат мулоқот ўтказди. Унда Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар

қўллаб-қувватланди. Бугунги кунда вилоятда 400 нафардан ортиқ ёш ходимлар ишлайди. Уларнинг таърибсини ошириш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Умуман олганда, энергетика соҳасида амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳа ва сарфланган маблағлар ҳалқимиз манфаатларига хизмат қилмоқда. Пировардида эса аҳоли хонадонлари ёруғ бўлиши, ижтимоий соҳа объектлари ва тадбиркорлик субъектларининг узлуксиз фаолият юритиши таъминланмоқда.

Нигора ЎРЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири



Меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик ойи

Шукрки, Аллоҳ таоло яна бизни ойлар султони Рамазони шарифга соғ-омон етказди. Шукрки, бу фазилатли ойда яна кўп-кўп тоат-ибодатлар, эзгу амалларни қилиб, меҳр-мурувватга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиб, уларнинг ўқик кўнгилларини кўтариш имконияти берилмоқда.

▼ Мархабо, Рамазон!

олади. Ким бу ойда бир фарзни адо этса, бошқа ойларда етмиш фарз амални бажаргандек бўлади. Бу ой сабр ва қийинчиликларга чидаш оидир. Сабрнинг эвази эса жаннатдир. Бу ой фақир ва йўқсилларга ёрдам бериш оидир. Бу ойда мўмин кишининг ризки кўпайтиради. Бу ойда бир кишининг бир рўздорни ифтор қилдириши гуноҳларнинг кечирилишига ва жаҳаннам оловидан қутулишига васила бўлади. Унга рўздорнинг савобидан камайтирилмасдан унинг савобичалик савоб ёзилади, дедилар.

Саҳобалар:
— Ё Расулulloҳ! Ҳаммамизнинг ҳам рўздорга ифторлик қилиб беришга кучимиз етмайди-ку, — дейишди.

Аллоҳнинг Расули:
— Аллоҳ таоло бу савобни рўздорга бир хурмо ёки сув қўшилган бир қултум сут билан ифтор эттирганга ҳам беради. Бу ойнинг аввали раҳмат, ўртаси мағфират ва охири дўзахдан қутулишдир. Ким бу ойда хизматкорларига кам иш буюрса, гуноҳлари кечирилади ва жаҳаннам оловидан қутулади. Бу ойда қўлингиздан келганча шу тўрт нарсани қилинглр. Бу тўрт нарсдан икитаси билан Раббингизни хушнуд қиласиз. Икитасига эса ўзингиз муҳтожсиз. Раббингизни хушнуд

қиладиган икки нарса “Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ” деб шаҳодат келтиришингиз ва истиғфор айтишингиздир. Сизлар муҳтож бўлган икки нарса Аллоҳдан жаннатни сўрашингиз ва жаҳаннам оловидан паноҳ тилашингиздир. Ким бир рўздорнинг чанқоғини қондирса, Аллоҳ таоло ўша одамга менинг ҳовузимдан сув ичириб, жаннатга киргунича чанқатмайди”, дедилар» (“*Ат-Тарғиб*”, 2-жилд, 218-бет).

Мазкур ҳадисда Рамазоннинг бутун буй-басти, файзу баракаси баён этилган. Рамазон ойда бутун республикамизда бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, жисмоний имконияти чекланган юртдошларимиз ҳолидан хабар олиниб, уларга зарур озиқ-овқат махсулотлари тарқатилади, ифторлик дастурхонлари ёзилади.

Бу ишлар, айтиш мумкин, сўнги йилларда эзгу қадрият ва гўзал анъанага айланб улгурди. Ҳатто саховатпеша юртдошларимиз савобли ишлар қилишни, закотлар беришни Рамазон ойига сақлаб қўядилар. Чунки улар бу ойда бир яхшиликка кўлаб ажрлар берилишини ояти қарималар ва ҳадиси шарифлар орқали яхши биладилар.

Аллоҳ таоло Қуръони қаримда бундай марҳамат қилади: «Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайдик, у ҳар бир бошгоғида юзтадан дони бўлган еттига бошқоқни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга (савобини) янада кўпайтириб беради. Аллоҳ (қарами) кенг ва билимдон Зотдир» (*Бақара сураси, 261-оят*).

Аллоҳ таоло бу мисол билан битта хайрли иш учун битта эмас, то 700 ва ундан ортиқ савоб ато этиши мумкинлигини билдирмоқда.

Рамазон келса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саховатлари жўш уриб кетарди. Ҳадиси шарифда: «*Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яхшилик қилишда одамларнинг энг саховатлиси эдилар. Ул зот Рамазон ойида янада саҳийроқ бўлар эдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яхшилик қилишда эсаётган шамолдан ҳам саховатлироқ бўлар эдилар*», дейилган (*Муттафакун алайҳ*).

Киши рўза тутиш туфайли оч қолиб, чанқаб камбағалларнинг, етим-есирларнинг ҳолини англаб етади. Шу боис илоҳи борича, қўлидан келгунича уларга ёрдам беришга шошилади.

Аллоҳ таоло Рамазон ойини барчамизга муборак қилсин! Бу ойнинг файзу баракасидан барчамизни баҳраманд айласин!

Дониёр ИКРОМОВ,
Тошкент вилояти бош имом-хатиби

▼ Акция

БИЗ ИНСОН ВА ТАБИАТ УЙГУНЛИГИ ТАРАФДОРИМИЗ!

Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида “Биз инсон ва табиат уйғунлиги тарафдоримиз!” шиори остида экологик акция ташкил этилди.



Қайд этиш жоизки, сўнги йилларда юртимизда табиатни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Сир эмас, бугун юртимизда ҳавонинг ифлосланиши даражаси сезиларли ошган. Бундай “натижага” эришишимизда эса чиқинди уюмларининг ҳиссаси катта.

Шу каби салбий омилларни бартараф этиш мақсадида ўтказилган акцияда партия фаоллари, давлат хизматчилари, маҳалла оқсоқоллари, шижоатли ёшлар ва кўнгилли талабалар бир неча гуруҳга бўлинган ҳолда ҳудуддаги энг оғир тоифадаги чиқинди нуқталарини тозалашди. Ариқ ва сув йўлларидан йиғилган полиетилен идишлар ҳамда бошқа чиқиндилар олиб ташланди.

Мутасаддилар эса дуч келган жойга ахлат ташламаслик борасида аҳолига тушунтиришлар беришди.

— Бугун шунчаки ҳашарга келганимиз йўқ, — дейди Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Севара Расулова. — Биз ўз келаганимиз, тоза ҳаво ва соғлом ҳаётимизни ҳимоя қи-



лиш учун келганмиз. Агар ҳар биримиз ўз уйимиз, кўчамиз ва маҳалламизни тоза тутсак, бутун мамлакатимиз гуллаб-яшнайд.

Шунингдек, акция доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда ёлғиз кексаларнинг хонадонлари ҳам ободонлаштирилди.

Бўстонлиқда ўтказилган экологик акция бутун республика бўйлаб кенг тарқалиши, ҳар бир маҳалла ва хонадонга кириши лозим. Зеро, биз мусавфо осмон ва яшил табиат остида ҳаёт кечиришга ҳақлимиз.

Меҳридин ИБРАГИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири



Тошкент вилояти Олмалиқ Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумида вилоят Касбий таълим бошқармаси ташаббуси билан “Халқаро ҳамкорликлар доирасида олиб борилётган ишлар” мавзусида ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди.

▼ Семинар

Тошкент вилоятидаги барча техникум раҳбарларини жамлаган мазкур тадбирда профессионал таълимни замонавий талабларга мослаштириш, илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш ҳамда халқаро

стандартлар асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш борасидаги амалий ишлар муҳокама қилинди.

Семинарда бошқарма бошлиги Н. Қулбекова сўзга чиқиб, бугунги кунда халқаро ҳамкор-

КАСБИЙ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ



ликнинг аҳамияти, самарали алмашинув дастурлари ва таълим сифатини оширишга қаратилган лойиҳалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Тадбирда халқаро ҳамкорлик дастурларини касбий таълим жараёнига самарали интеграция қилиш, хорижий экспертлар билан биргаликда замонавий ўқув модулларини ишлаб чиқиш, чет эл таълим муассасалари тажрибасини

ўрганиш, ўқитувчи ва талабалар алмашинувни йўлга қўйиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, техникумларнинг хорижий компаниялар билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этаётгани, ўқувчиларга халқаро сертификатларни қўлга киритиш имконини берувчи механизмлар яратилгани алоҳида таъкидланди.

Таълим ва амалиёт уйғунли-

гига асосланган бундай ёндашув ёшларнинг касбий маҳоратини ошириш, уларни реал меҳнат муҳитига мослаштириш ва халқаро меҳнат бозорига рақобатбардош мутахассис сифатида шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Семинар якунида иштирокчиларга халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини янада ривожлантириш бўйича аниқ топшириқ ва тавсиялар берилди.

Ўз мухбиримиз

▼ Чоршанба сабоқлари

Ҳалолликнинг қудрати



Бир сафар аэропортдан меҳмонхонага такси олдим. Машина тоза, ҳайдовчи хушмуомала эди. Ўзини Аҳмад деб таништириб, кўлимга карточка берди: “Вақтингиз хайрли ўтсин. Менинг вазифам — сизни манзилингизга энг тез, энг хавфсиз, энг кам харажат ва энг муҳими — ҳалол хизмат ила етказиш”.

Йўлда менга яна турли қулайликларни таклиф этди.

— Ҳамма мижозлар билан шундай илтифотлимисиз? — деган саволимга бироз тин олиб деди:

— Ростини айтсам, бу тарзда

ишлашни икки йил олдин бошлаганман. Ундан олдин кўпчилик ҳайдовчилар қатори эдим. Вақти-вақти билан ҳақни ошириб юбориш, мижозга ёлғон гапириш, нолиш ва шижоат қилиш оддий ҳол эди. Машина ҳам, қалб ҳам тоза эмас эди.

— Кейин нима бўлди?


— Бир кун машинама радиосидан “танлаш кучи” ҳақида эшитиб қолдим. Ҳаётимдаги кўп нарсани танловимга боғлиқ экан. Ишимни юзаки, нолиб эмас, виждон билан, ҳалол бажарсам, мижозларим кўп, кўнглим хотиржам

бўлади. Осон йўлни танласам — пул бўлиши мумкин, лекин барака бўлмайди. Шунда ўзимга сўз бердим: энди ишимни ҳалол қиламан. Йўлни айлантириб ҳақни оширмайман. Вақтни ўғирламайман. Мижозга у истагандай хизмат қиламан. Натижасини Аллоҳ кўрсатди. Биринчи йилнинг ўзида даромадим икки баробар ортди. Бу йил эса тўрт баробарга етди. Энг муҳими, қалбим хотиржам. Энди мижозлар ўзлари менга кўнгирақ қилиб, олдиндан банд қилишади. Чунки одамлар ҳалол хизматни зумда англайди ва қадрлайди.

Бу сўзлар мени уйга толдирди. Шунда англадим: ҳалоллик — катта шижоат эмас, қўндалик энг оддий одат ва қўйиладиган энг тўғри қадам экан. Айнан шу фазилат инсонга барака ва хотиржамлик олиб келди.

Абдулҳай УШВАҚТОВ,
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ходими

Вақтни нимага сарфлаш керак?



Бир донишманд қўлига бўш кўзани олиб, уни тошга тўлдирибди.

Сўнг шогирдларини чақириб, уларга биринчи саволни берибди: “Айтингчи, кўза тўлдими?” Шогирдлар: “Ҳа, тўлди”, дейишди. Шунда устоз қўлига нўхатли идишни олиб кўзага тўқди. Нўхат тошлар орасидаги бўш жойларга жойлашди. Устоз шогирдларига яна савол берди: “Энди кўза тўлдими?” Шогирдлар яна кўза тўлганини айтишди.

Энди устоз кум тўла қутини олди-да, яна кўзага тўқди. Кум тош ва нўхатлар орасидан ўтиб бўш қолган жойларни эгаллади. Устоз яна ўша саволни берибди,

шогирдлари ўша жавобни қайтаришди.

Нихоят, донишманд сувли идишни олиб, уни яна ўша кўзага қўя бошлади. Буни кўрган шогирдлари кулдилар...

Устоз деди: “Бундан мен сизларга айтмоқчи бўлган ўғитим: Кўза — бу бизнинг ҳаётимиз. Тошлар энг азиз бўлган кишиларимиз, оиламиз, соғлигимиз. Нўхат бўлса ёқадиган, аммо жудаям муҳим бўлмаган нарсалар: яхши иш, дангиллама уй, машина, қимматбахо нарсалар. Қум эса, ҳамманинг ҳаётида тўла бўлган майда-чуйда нарсалардир.

Агар кўзани аввал кум билан тўлдирсанг, нўхат ва энг муҳими,

тошларга жой қолмайди. Ҳаёт ҳам худди шундай: вақтингни бекорчи нарсаларга сарфласанг, энг асосийсига вақт қолмайди.

Яқинларингга, қариндошларингга эътибор қилинглр. Бошқа ишларга вақт кейин ҳам топилаверади. Вақтингни аввал тошга, сўнг қумга ажратинг”.

Шу сўзларни айтиб, донишманд ўрнидан турган эдики, шогирдларидан бири савол берди: “Сув нега керак эди?” Устоз ним табассум билан деди: “Кўзага сув қуйишимдан мақсад: ҳаётда вақт қанчалар тизгиз бўлмасин, бекорчи вақт ҳам топилади”, дейиш эди.

Абдумўмин ХОЛБОБОВ

▼ Кўнгил шеваси

Зарифа ЭРАЛИЕВА Оҳангарон туманида тузилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган.

1993-2012 йилларда “Тошкент ҳақиқати” газетасида, Ёзувчилар уюмиси вилоят бўлимида масъул вазифаларда хизмат қилган. 2012-2025 йилларда вилоятда матбуот, ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳаларига раҳбарлик қилган.

У ижодий фаолияти мобайнида маҳоратли публицист, истеъдодли шоира сифатида танилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси.

2019 йилда “Шухрат” медали билан тақдирланган.

Дилдаги ҳисларимни келар шеърга ўрагим...

Дунё

Даҳр аро бир умр сўзга эландим,
Қай кун наво топдим – нурга беландим,
Гадодай ҳар дилдан вафо тиландим,
Кулма, ишқ пойига бошинг ур, дунё,
Мениндек суйиб кўр, куйиб кўр, дунё!

Гоҳ хушман, гоҳ беҳуш – ўзимдан кечдим,
Хайрат касасидан қатра май ичдим,
Учдим – оқушларга айланиб учдим,
Дедим, жунунларга сахро кенг, дунё,
Воҳ, телба менманми ва ё сен, дунё?!

Сўлсин деб қулди ким – гулладим чунон,
Улсин деб кутди ким – яшадим омон,
Бу ўжар кўнглимга худо ёр ҳамон,
Нокаслар қўлида тўрсан-а, дунё,
Милён йил яшаб ҳам ғўрсан-а, дунё?!

Дунё асли нима? Бу қадим сўроқ,
У қўдан тўкилган бир сиқим тупроқ,
Тупроқдан яралмоқ, тупроққа бормоқ,
Қолгани минг турфа ранг экан, дунё,
То бора-боргунча жанг экан, дунё!

Ишққа кўнгил бериб гоҳ тақдирман,
Қай манглайга битган ўтли тақдирман,
Шу қисматим билан энг бой фақирман –
Гарчи сен улугсан, шарифсан, дунё,
Лек доим биринг кам – ғарибсан, дунё!

Не толеъ – ишқ ёққан чироқ омонат,
Чин висол кўкдадир, фироқ омонат,
Ҳақ деб ҳамд ўқиган япроқ омонат,
Камонда шай турган тилло ўқ, дунё,
Кўр, кўнглимдай боқий дунё йўқ, дунё!..

Эй дил...

Эй дил,
Магар қувончинг оз кўҳна очунда,
Ғамда ҳам ҳикмат бор, ўзингни сина.
Судралиб яшама юз йил заминда,
Сен Ҳақдан юз йилнинг қадрини тила!

Ногоҳ зулм етса тоза тилакка,
Кўксингда мунгайган гурурни уйғот.
Яримта ой бўлиб чиқма фалакка,
Сен уфқинг қаърига қуёш бўлиб бот!

Эй дил, агар ёринг хиёнаткордир,
Тоғдан бардош сўра, сабрдан – имдод.
Сўнг ўзни Аллоҳнинг ҳаёлига бер,
Сўнг ўзни Аллоҳнинг кучоғига от!..

Аёл

Қуёш бир аёлдир –
куюнчак аёл,
Кўксига дардлари
кўп унинг.
У нурдан яралган
гулдир, эҳтимол,
Ҳидлари ўзгача
бу гулнинг!

Қуёш бир аёлдир,
бир аёл – қуёш,
Дардларин кўксига
йиғаверади.
Пинҳона йиғлар у,
Юлдузлар – кўз ёш,
Тонгда қулиб-қулиб
чиқаверади!

Нима эмиш, мен бир дарвеш,
Ҳаққа ошиқ бемормишман.
Устим юпун, теграмда киш –
Ўзимча бир кибормишман...

Кўзимда ёш, бўғзимда тош,
Ишқдан куйиб ёзармишман.
Луқмам – қузғун талаган ош,
Воҳ, ақлдан озармишман...

Ногоҳ чақмоқ урган райхон –
Ҳализамон сўлармишман.
Ғийбатлардан адо бу жон –
Эрта-индин ўлармишман...

Минг йилдирки, шундай таъбир,
Қилқўприқдан ўтяпман тик.
Эй бадният, дардинг надир,
Дилингни ер қандай ҳадик?!

Қадрим Ватан, қабрим Ватан,
Айт, ҳайронсан нимасига?
Оламини сув босган ондан,
Чиққанман Нух кемасига!

Сўз – ибодат, сўз – нур, жола,
Дунё қайда, мен қайдаман?
Шоҳ Машрабдан қолган нола –
Гоҳ танбурда, гоҳ найдаман!

Дема, шоир аҳли дарвеш,
Ҳар битиги дил қондир.
Гарчи юпун, теграси киш –
У ҳақ сўзнинг ҳоқонидир!..

Ота

Зойир Мирзаевнинг “Қаҳрида ҳам меҳр бор эди” китобини ўқиб...

Сиз эккан ниҳоллар боғ бўлди, ота,
Сиз очган сўқмоқлар йўл бўлди равон.
Сиз қурган яхшилик қўрғонларида
Оқибат азиздир, меҳрлар омон.

Мана, яна келди сиз суйган баҳор,
Қалдирғочлар қайтди айвонларига.
Нолаваш булбуллар тонггача бедор
Гул илар соғинчнинг пайконларига.

Ота, келбатингиз тоғлардай кўркам,
Шаштингиз олдида тинарди бурон.
Бугун сиз тенгилар саксондан ўтган,
Сиз ҳамон ўшасиз, уқтам, навқирон...

Сиздан мерос қолди бир сандиқ китоб,
Ва бир этак фарзанд – юртга елкадош.
Сиз ибрат тимсоли – ҳоқисор офтоб,
Сиз тоза иймоним, бошимдаги тож!

Муаллимнинг ким, деб сўрарлар гоҳо,
Дейман: сўзда собит, сабрда хотам,
Муруват илмида мукамал, танҳо,
Хатто қаҳрида ҳам меҳри бор отам!..

Баъзан ташвишлардан толикса юрак,
Ҳеч ким бўлолмас дардинга малҳам.
Борсанг, болам, дея буларкан тиргак,
Отанг қурган уйнинг деворлари ҳам!

“Алломиш” – кўксимда кўз очган ғурур,
У сиз айтиб берган энг гўзал дoston.
Алломишдай суйдим юртни бир умр,
Сиз қадрим англатган ҳазрати инсон!..

Гарчи кўп қўрғандир кўҳна бу дунё,
Фарзанд деб умрин бахш этган одамни.
Ўзинг раҳмат ила сийла, худоё,
Жаннатда қувонтир менинг отамни!..

Қумури

Тун билдирмай қирар хонамга,
Тун дардимни сўғуриб олар.
Кўзларимда қотар илтижо,
Тушларим ҳам сен деб уйғонар.

Ана, кўкда ой сузар хорғин,
Кенг уйига сигмаган қиздай.
Сири айтса – юлдузлар сотқин,
Бошин қўйса – булутлар муздай!..

Кипригимда бир томчи шабнам –
Тегирмоннинг тошидай оғир.
Кўзни юмдим... лабларим талх нам,
Йўқ, жон эмас, соғинчим оғир.

Таранг тордай титрамиш гирён,
Кўксимдаги нолаваш қумрим.
О, тонггача чиқмасайди жон,
То тонггача етсайди умрим!..

Тун макрига учган дайди ел
Изим пойлар, синар бардошим.
Айт, бу Осмон меники дегил,
Мени тунга берма, Қуёшим!..

Наврўз

Қишдан чиққан табиат
Яшилланди, олланди.
Эй қалдирғоч, кел, кўнглим
Баҳорланди, шодланди.

Шу кунларга етдим-а...
Гурс-гурс урар юрагим.
Дилдаги ҳисларимни
Келар шеърга ўрагим...

Деразам чертди биров,
Очдим, тилга келмай сўз.

Бағри тўла бойчечак,
Жилмайиб турар Наврўз!

Энди нима ғамим бор,
Парвоздаги қушдайман.
Сўз ўргатиб булбулга,
Ғунча кўнглин хушлаймам.

Сабрим синаган қишдан
Энди сира қарзим йўқ.
Ҳайқириб айт, эй сабо,
Менинг бахтдан арзим йўқ!..

Бу тоғ...

Уйладимки, бу тоғ бегард –
Йиқилмаган, чўкмаган.
Дустни ёвдан асраган мард,
Кўйнидан тош тўкмаган.

Билмабман-а, лочин эмас,
Бунда қузғун учар хуш,

Каламушлар ҳеч тинч ётмас,
Бу тоғларнинг таги бўш!

Қорпи қоя, виқорли тоғ,
Ўшаб эди дўстимга.
Паноҳ истаб суяндим, воҳ,
Қулаб кетди устимга...

Осозлик

Бандасан, бандга дилинг не тилар,
Бил, олам абадий хона бўлмайди.
Отанг кетса, ҳаёт оталик қилар,
Онанинг кетса... ҳеч ким она бўлмайди!

Зарифа ЭРАЛИЕВА



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAQULOV
G'afurjon MUHAMEDOV
Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,
nashr uchun mas'ul:
Suhrobjon SADIROV

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

To'xtamurod HASANBOYEV

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkentshaqiqati@umail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20:00.

Bosishga topshirildi – 18:50.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-235.

8 410 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taqob. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofsimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.

Korxonalar manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.